

СИЁСИЙ ФАОЛ, ЕТУК МАЪНАВИЯТЛИ ХОТИН-ҚИЗЛАР РОЛИНИ ОШИРИШ- ДАВР ТАЛАБИ

Исматова Мадина Ташбул қизи
ЖДПУ II-босқич магистранти

Янгиланаётган Ўзбекистонда аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш масалаларига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилмоқда

“Аёллар: хотин-қизлар ибораси”ни ўрганиш ва таҳлил қилиш узоқ асрлик тарихга эга. X аср бошларидаёқ хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи муаммоси ва XX асрнинг ўрталаригача Кристина де Писан ва Корнилий Агриппа асарларида фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маърифий ҳуқуқларининг йўқлиги таҳлил этилган эди¹.

Хотин-қизлар муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотларда жамиятдаги аёлларга нисбатан адолатизмликлар танқид қилинган ва уларнинг ечимини топиш масалалари жавобсиз қолган. Уйғониш даврининг озодлик ғояларига мос равишда юзага келган аёллар ҳаракати аввало ёзувчи Олимпия де Гуж (1791) томонидан ёзилган “Аёллар ҳуқуқлари ва фуқаролик ҳуқуқлари Декларацияси” манифестида ўз аксини топган. У барча аёлларнинг қонун олдида тенглигини эътироф этган. Таълимотларда қайд этилганлиги билан ҳаётда аёлларнинг ҳуқуқлари ҳамон эркакларникидан анча пастда қолаверган.

Шуни таъкидлаш жоизки, хорижий олимлар ўтган асрга қадар аёлларнинг сиёсий фаоллигини тан олишмаган. XIX асрга қадар фақат ҳокимият, давлат ва сиёсат эркакларга хослиги қайд этилган. XIX аср иккинчи ярмида социал-утопистлардан Ш.Фурье биринчи бўлиб хотин-қизларнинг жамият ҳаётида иштирокига аҳамият берган. Ш. Фурье француз инқилоби таассуротлари таъсирида аёлларни фаоллаштиришни барча ижтимоий тараққиётнинг умумий тамойили сифатидаги ғояни илгари сурган². Сен-Симон эса, уни қўллаб-қуввалаш билан бирга ечими ва йўлларини таҳлил этган. Т. Парсонс, Э. Дюркгеймларнинг ижтимоий меҳнат тақсимоотида жинсларнинг ўрни³, И. Гоффман ҳамда Г.Зиммельнинг тадқиқотларида эса хотин-қизларнинг ижтимоийлашуви масалалари тадқиқ этилган⁴.

¹Muxitdinova F.A. Yangi O'zbekistonda gender tengligi hamda xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari //Xotin-qizlarni tazyiqva zo'ravonlikdan himoya qilishning ma'naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart,149-b.

² https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_003503720/ Фурье Ш. Изб.соч. М., 1951. Т. 1. Стр.174.
<http://www.csun.edu/~snk1966/T.%20Parsons%20The%20American%20Family.pdf>

Parsons T. The American Family: Its Relations to Personality and to the Social Structure /Parsons T., Baies R. Family, Socialization and Interaction Process. Glencoe, IL: FreePress, 1955.

³ https://vk.com/wall-68638203_2744 Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. М.:Наука, 1991; Дюркгейм Э. Самоубийство. М.: Мысль, 1994.

⁴Зиммель Г. Женская культура. Фрагмент о любви / Зиммель Г. Избранное. Т.2. М.:Юрист, 1996.Стр.234-265.

Бирок, замон ривожланган сари дунёда аёлларнинг ўрни ҳам ошиб борди. Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳаминша эҳтиром билан тилга оламиз.⁵

Давлатчилик тарихимиздан маълумки, Шарқ аёллари, жумладан темурийлар даврида ҳам давлатнинг сиёсий-ижтимоий тузумида муҳим ўрин эгаллашган. Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида фаолият юритаётган минг-минглаб хотин-қизларимиз сиймосида давом этиб келмоқда деб бемалол айтаоламиз.

Сўнгги йилларда аёлларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллиги ҳақида Индиана университетининг Марказий Еврооёсиё факультети ходими, олима Мариан Камп (Marianne Kamp) Туркистон аёллари, хусусан, ўзбек аёллари ролининг XIX асрдан буён турли ҳукумат бошқарувлари давомида ўзгариши, уларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти ҳақида “Ўзбекистон янги аёли: Ислом, замонавийлик ва коммунизм даврида паранжининг ечилиши” (The new woman in Uzbekistan: Islam, Modernity, and Unveiling under Communism) номли китоб ёзди⁶.

Олима Кампнинг фикрича, мустамлака даври жадидларининг хотин-қизларни илмга жалб қилиш ва уларни жамиятда ўз ўрнини белгилаш борасидаги ислохотлари Совет давридаги аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳаракатларига асос бўлган. Яъни, хотин-қизларга билим бериш ва уларни жамият ривожига ҳисса қўшишига шароит яратиш борасидаги ўй ва ҳаракатлар Совет тизими ва коммунистик партия юзага келишидан анча олдин бошланган.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари қайсидир жабҳаларда амалга ошмаслиги кўпроқ жамиятда илдиз отган қолип тушунчалар-стереотиплар билан боғлиқ. Уларни ўзгартириш-мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган жараён. Бунинг учун ёш авлоднинг ҳам, қолаверса катталарнинг ҳам дунёқарашини тўғри шакллантириш лозим бўлади.

Маълумки, БМТ томонидан қабул қилинган “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси ана шундай ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган ҳужжатлардан биридир. Ўзбекистон 1995 йилда ушбу Конвенцияни ратификация қилган ва бизнинг юртимизда ҳам мазкур Конвенция шартларига ҳамда унинг андозасида ишлаб чиқилган бир қатор миллий ҳужжатларга амал қилинади⁷.

Хусусан, 1996 йилда Биринчи Президент Ислом Каримов томонидан “Ўзбекистон Республикасида аёллар аҳволини яхшилаш тўғрисида”ги концепция, 1999 йилда “Аёлларнинг ижтимоий ҳимояланишини кучайтиришга қаратилган

<https://www.hse.ru/data/2013/06/09/>

⁵Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Ш.Т. Икрамов таҳрири остидаТ.:“Ўзбекистон” НМИУ, 2013,285-б.

⁶Muxitdinova F.A. Yangi O‘zbekistonda gender tengligi hamda xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari //Xotin-qizlarni tazyiqva zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma‘naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart,149-b.

⁷ Оила-чинакам бахт тимсоли. //“Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари” ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар кўмиталари фаоллари учун қўлланма. Т.: 2016.36-б.

кўшимча чоралар тўғрисида” ги ҳамда 2004 йил 24 майда “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятини кўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида”ги фармонлар қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида” ги 2003 йил 29 августда қабул қилинган қонун билан хотин-қизларга Парламентда иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратилди, яъни 30% лик квота эълон қилинди.

Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, жумладан аёл ҳуқуқлари бўйича 60 га яқин халқаро ҳужжатларга кўшилди. Бундан ташқари, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган олти асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди⁸. 1998 йилнинг- Оила йили, 1999 йил-Аёллар йили, 2001йил- Оналар ва болалар йили, 2016 йилнинг- Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши, мазкур йилларда оилани мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиш, соғлом, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш йўлида хайрли ишларнинг амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Республикада хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар қонунчилигимизда қатъий мустаҳкамлаб кўйилган. Жумладан, Бош қомусимизнинг 18-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, этники, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар...” дейилиши, шунингдек 46-моддада “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли” эканлигининг таъкидланиши оила аталмиш кўрғонда, жамиятимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний жиҳатдан кафолатланганлигини англатади⁹.

Аёл ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кўп жиҳатдан жамиятда қонунларнинг қай даражада ижро этилиши, дунёқарашнинг даражаси, адолат мезонларининг ўрнатилганлиги ҳамда жамиятдаги илм ва маърифатнинг ривожланиши билан ҳам белгиланади. Ушбу нуқтаи назардан, ҳар қандай жамиятда илм-фан ривожланмас экан, қонунларни давр талабига мослаштирмасдан туриб, давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш соҳасидаги сиёсатини тўғри белгилаган ҳолда, унинг назорат шакли тўғри йўлга кўйилмас экан-бу ҳақда сўз юритиш мумкин эмас¹⁰.

Ўзбекистон хотин-қизлари республика истиқлолга эришгандан кейин илк бор 1994 йилда, сўнгра 1999 ва 2004 йилларда кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловларда фаол иштирок этиб, Олий мажлис, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари этиб сайландилар. 1994 йилда хотин-қизлар Олий Мажлис депутатларининг 6 % (15 нафар), 1999 йилда эса 9,4 % (17нафар)ни ташкил этган бўлсалар,¹¹ 2004 йилда икки палатали парламентнинг ташкил топиши ва хотин-қизларнинг сайловларда иштирок этиши учун 30 % ли квотанинг берилиши натижасида Қонунчилик палатаси депутатларининг 18% ва Сенат

⁸ Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилаитларини камол топтириш. Ш.Т. Икрамов таҳрири остида. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013.274-6.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т.: Ўзбекистон, 2015.17-6.

¹⁰ Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилаитларини камол топтириш. Ш.Т. Икрамов таҳрири остида.Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013,285-6.

¹¹ G'ulomova D. O'zbekiston xotin-qizlari mustaqillik yillarida. Mustaqil O'zbekiston tarixining dastlabki sahifalari. T., “Sharq”, 2000. 138 - bet.

депутатларининг 15% хотин-қизлардан сайланди. Ушбу кўрсаткичлардан, хотин-қизлар эркакларга нисбатан ҳали ҳам озчилик эканлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19-20 августда бўлиб ўтган навбатдаги XV сессиясининг қарори билан 1999 йил 5 декабрда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига биноан Олий Мажлис депутатлигига ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига сиёсий партияларо, ҳокимият вакиллик органлари томонидан хотин-қизлар номзодлари кўрсатилди. Натижада депутатликка номзоди кўрсатилган хотин-қизлар Марказий сайлов комиссияси ҳамда тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинди, депутат бўлиб сайланиш учун ташвиқот ишлари олиб бориш, ўзларининг сайловолди дастурлари билан чиқиш ҳуқуқи ва имкониятлари кенгайтирилди. Бу ишларда республика Хотин-қизлар кўмитасининг роли катта бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутқидан сўнг республикамизда гендер масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз ўз нутқида “...биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”,¹² деган таъкидида республикамизда хотин-қизлар сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни назарда тутган эди.

Буни исботи сифатида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик¹³.

Маълумки, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан институционал тизими бу вакиллик ҳокимиятидир. Вакиллик ҳокимиятининг барча даражадаги депутатларининг вазифаси иқтисодий ўсишни инсон тараққиёти билан боғлаш, уларнинг узвийлигини таъминлашдан иборат. Муҳтарам Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг Парламентдаги аъзолиги кейинги йилларда 2 баробарга ортганини халқаро минбардан таъкидлагани ҳам бежизга эмас. Чунки аёллар муаммоси кўп бўлиб, улардан бири никоҳнинг бекор бўлиши билан аёлларнинг уйсиз қолиши, алимент ундира олмаслиги масалаларини аёл депутатлар қонундаги бўшлиқларни енгишга ҳаракат қилиши табиийдир.

2021 йили пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Конгресс-холлда 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Ушбу байрам тадбирида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзлади ва бир гуруҳ хотин-қизларни мукофотлар билан тақдирлади.

¹²Muxitdinova F.A. Yangi O'zbekistonda gender tengligi hamda xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari //Xotin-qizlarni tazyiqva zo'ravonlikdan himoya qilishning ma'naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart, 150-b.

¹³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.406-б.

Жумладан, Президент ўз нутқида: “Аёлларимиз орасида таниқли давлат ва жамоат арбоблари, жумладан, ўнлаб сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ўқитувчилари, Халқ артистлари, нодавлат ташкилотларнинг фаол вакиллари борлиги барчамизни қувонтиради”.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, шунингдек кўплаб халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда. Ўнлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равнақи йўлида астойдил хизмат қилиб келмоқдалар ¹⁴.

Бугун Янги Ўзбекистон атамаси халқимиз орасида тобора ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Ислохотларнинг асосий мақсади инсон манфаати, кадрини улуғлашга қаратилган бўлиб, унда хотин-қизларнинг гендер тенглиги ҳам давлатимизнинг диққат-марказида. Жумладан, ушбу муаммо халқаро илмий конференциялар, тадбир ва давра суҳбатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчи, шарқшунос ва тарихчи олимлар гендер тенглик, ижтимоий фаоллик, ҳуқуқий саводхонлик ҳамда аёллар дунёқарашидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, аёллар бандлигини таъминлаш, сиёсий етакчилик, билим олиш, аёллар миграцияси йўналишларини тизимли таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқдалар.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг 49 фоизини хотин-қизлар, уларнинг қарийб 64 фоизини 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ташкил этади, натижада бу йўналишда алоҳида давлат сиёсати олиб боришга тўғри келмоқда. Дунё миқёсида ҳам гендер тенглигини таъминлашда ҳанузгача бир қатор муаммолар кўзга ташланаётир. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотига кўра, ҳар 10 ишловчи эркак кишига 6 та ишловчи аёл тўғри келар экан¹⁵. 2019 йилнинг 24 сентябрида бошланган БМТ Бош Ассамблеясининг 74-сессиясида ҳам ташкилотнинг аёллар қаноти гендер тенглик, дунё мамлакатларнинг барқарор тараққиётига эришиш йўлида аёллар учун ҳам муносиб ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланиши масалаларини бежизга кўтармади. Бош Ассамблея сессияси чоғида 92 нафар нутқ сўзлаган арбобларнинг атиги 17 таси хотин-қизлар эканлиги

¹⁴ Muxitdinova F.A. Yangi O'zbekistonda gender tengligi hamda xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari //Xotin-qizlarni tazyiqva zo'ra vonlikdan himoya qilishning ma'naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart, 152-b.

¹⁵ Muxitdinova F.A. Yangi O'zbekistonda gender tengligi hamda xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari //Xotin-qizlarni tazyiqva zo'ra vonlikdan himoya qilishning ma'naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart, 151-b.

хам алоҳида танқид остига олинган эди¹⁶.

Мустақил Ўзбекистон хотин-қизлар масалаларига оид халқаро мажбуриятларини виждонан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимизда аёл ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги бешта стратегик йўналиш алоҳида белгилаб олинган:

- 1) аёл ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;
- 2) аёл ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;
- 3) қабул қилинган қонунларни оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;
- 4) судлов ислоҳотини амалга ошириш орқали бутун суд тизимини демократлаштириш;
- 5) аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш¹⁷.

Давлатимиз томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида” ги конвенциянинг аъзоси сифатида миллий қонунчиликка унинг нормаларини уйғунлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2019 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги муҳим қонунлари қабул қилинди. “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда аёлларни жинси бўйича бевосита ва билвосита камситишни таъқиқланишига алоҳида урғу берилган.

Республикада хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир маҳалла кесимида иш олиб борилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, шунингдек, 2021 йили махсус рўйхатдан чиқарилган 2 минг 587 нафар диний оқим аъзоси бўлган аёлларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, ижтимоий муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилгани энг катта ислоҳотдир¹⁸. Хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, кам таъминланган оилаларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш, республика скрининг ва репродуктив марказлари хизматларини янада ривожлантириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та қарори, ҳукуматимизнинг 6 та қарори, 4 та фармойиши ва 12 та чора-тадбирлар дастури қабул қилинди¹⁹.

¹⁶ Ўша манба.

¹⁷ Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Ш.Т. Икромов таҳрири остида Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013,285-б.

¹⁸ Muxitdinova F.A. Yangi O‘zbekistonda gender tengligi hamda xotin-qizlar huquqlarining kafolatlari //Xotin-qizlarni tazyiq va zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma’naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart,151-b.

¹⁹ Ўша манба.

Хотин-қизларнинг эркалар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг, оналик ва болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш юзасидан олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик.

2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 трл.сўм кредит ва субсидиялар ажратилиб, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг нафар аёл касб-хунарга ўқитилди, 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўловининг бошланғич бадалига маблағ ажратилди, 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олий таълимга қабул қилинди. Натижада, 2021 йилда олий ўқув юртларига кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди²⁰.

Хулоса қилиб айтганда, республикада хотин-қизларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда тарғиб этиш зарур. Демак, сиёсий фаол, етук маънавиятли, жамиятнинг муҳим таянчи бўлган хотин-қизлар ролини янада кучайтириш бугунги кенг қўламли ислохотлар даврининг муҳим талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари. 4-жилд. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.
2. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Метод социологии. М.: Наука, 1991; Дюркгейм Э. Самоубийство. М.: “Мысль”, 1994. https://vk.com/wall-68638203_2744
3. Зиммель Г. Женская культура. Фрагмент о любви / Зиммель Г. Избранное. Т.2. М.: “Юрист”, 1996. <https://www.hse.ru/data/2013/06/09/>
<https://www.hse.ru/data/2013/06/09/>
4. Оила-чинакам бахт тимсоли // “Аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари” ходимлари, маҳалла маслаҳатчилари ҳамда Хотин-қизлар кўмиталари фаоллари учун қўлланма. Т.: 2016.
5. Muxitdinova F.A. Yangi O‘zbekistonda gender tengligi hamda хотin-qizlar huquqlarining kafolatlari // Хотin-qizlarni tazyiqva zo‘ravonlikdan himoya qilishning ma‘naviy-huquqiy asoslari. Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallari. Toshkent, 2022-yil 4-mart.
6. Фурье Ш. Изб. соч. М., 1951. Т.1. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_003503720/
<http://www.csun.edu/~snk1966/T.%20Parsons%20The%20American%20Family.pdf>
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2015.
8. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини камол топтириш. Ш.Т. Икромов таҳрири остида. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2013.
9. G‘ulomova D. O‘zbekiston хотin-qizlari mustaqillik yillarida. Mustaqil O‘zbekiston tarixining dastlabki sahifalari. Т., “Sharq”, 2000.

²⁰ Ўша манба.